



Чоршанба

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Курюк-манлов

## МИНТАҚАВИЙ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тажрибали ва жонқуяр маслаҳатчилар ишини рағбатлантириш ва илғор тажрибаларни омаллаштириш мақсадида ташкил этилган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг минтақавий бошқичлари якунланиб, ғолиблар номи аниқланмоқда.

Хусусан, Навоий шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари бошқичларида ғолиб маслаҳатчилар иштирокида танловнинг якуний бошқичи бўлиб ўтди.

Танлов шартларига кўра, маслаҳатчиларнинг фаолияти бир қатор йўналишлар мисолида ўрганиб чиқилди. Жумладан, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилавий ақримларнинг олдини олиш, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал этиш, уларнинг дунёқараши, ҳуқуқий билимини ошириш, тўй-маросимларни ихчамлаштириш ва маҳаллада маънавий соғлом муҳитни юзага келтириш борасида маслаҳатчилар томонидан амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танловнинг ушбу бошқичи якунига кўра, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Милтичи» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулнора Очилова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Бухоро шаҳридаги Пиридастир маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Галина Эргашева, учинчи ўринга Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Янгибод маҳалласи маслаҳатчиси Зулфия Машарипова муносиб, деб топилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ҳам ушбу кўрик-танловнинг Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бошқичларида биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар ўртасида минтақавий бошқичи натижасига етди.

Танлов ҳаётининг қарорига кўра, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Жиззалик» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Инобат Аслонова биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эса Термиз шаҳридаги «Жўйжанган» маҳалласи маслаҳатчиси Турсунбой Бойхонова ҳамда Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалласи маслаҳатчиси Ўғилбой Комилова эгаллади.

Кўрик-танлов низомига биноан, минтақавий бошқич ғолиблари замонавий компьютер жамланаси билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринни олган маслаҳатчилар эса ишхона мебели ҳамда факс аппарати соҳиби бўлишди.

МУХБИРЛИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

## 5 МИНГ НАФАР ФУҚАРО ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРАДИ

Кеча Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Ҳаж мавсумини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тайёргарлик ишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этишга катта аҳамият берилди. Жумладан, Ҳаж амалини бажариш учун кетаётган фуқароларимизга давлат томонидан қўлайлик яратиб туришимизни йил сайин такомиллаштириб борилаётгани фикримиз далилидир. Хозирда Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши бу борада самарали фаолият юритмоқда.

— Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги ўртасида имзоланган шартнома асосида жорий йил республикамизнинг 5 минг нафар фуқароси Ҳаж зияратига боради — дейди, Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил қилиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши раиси О.Юсупов. — Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент—Мадина, Жидда—Тошкент ҳамда Наманган—Мадина, Жидда—Наманган йўналишида зияратчиларни ташиш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан шартнома тузган. Юртдошларимизни Саудия Арабистони Подшоҳлигига олиб бориш жорий йилнинг 21-29 ноябрь кунлари Аманга оширилади. Уларнинг Ватанга қайтишлари 12-20 декабрь кунларига режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консулигида Ҳаж ва Умра масалалари бўйича атташе штати жорий этилгани тадбирларни ташкил қилишни такомиллаштириш борасида муҳим қадам бўлди.

Ҳожиларнинг соғлигини назорат қилиш учун барча зарур дорӣ—дармон ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган тажрибали шифокорлар жалб этилган. Сафар давомида зияратчиларга юртимиздан келган малакали ошпазлар хизмат кўрсатади. Учрашув сўнггида Саудия Арабистонида ҳожиларга ёрдам бериш учун етук диний ходим ва соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилгани ҳақида айтиб ўтилди.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

## СИФАТИ АЪЛО — САМАРАСИ ЮКСАК

Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Ўз-Коджи» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун юқори сифатли сим ўровлари тайёрланмоқда.

Корхонада 805 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилади. Жамoa бу йил «ЎздЭУавто» автомобилларига 194 минг комплект маҳсулот етказиб беришни режалаштирган.

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Наргиза Тешабоева. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.



веб-сайт: www.mahalla.uz  
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

- 2. Газни тежанг, зиён қилмайсиз!
- 3. «Феникс» қувватсиз қолди
- 4. «Кўшиқларимга қалбим кўри жо бўлган»
- Одам савдоси — кўҳна муаммо
- «Зумрад шуъласи»дан сифатли маҳсулот
- Эрка ўғил отасига эл бўлмади...

## ОШКОРАЛИК РУҲИДАГИ САЙЛОВЛАР

фуқароларнинг муносиб номзодларни сайлашида муҳим омил бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижроси Жиззах вилоятида изчил таъминланмоқда.

Воҳада сайлов жараёни бошланганига бир ҳафтадан ошди. Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман (шаҳар) комиссиялари томонидан белгиланган тадбирларнинг кўнгилдагидек бажарилиши натижасида жойларда сайловлар ушқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтмоқда. Сайловда йиғин ходимлари фаолиятига таҳлиллик-танқидий нуқтаи назардан баҳо берилиб, мавжуд камчиликлар очик-ойдин муҳокама этилаётгани, номзодларнинг ташкилотчилик ва бошқарувчилик қобилиятига алоҳида урғу берилаётгани ушбу тадбирларнинг ҳаққоний ўғатганидан далолатдир.



Янгийўл шаҳрида жойлашган «Фарход» маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайлови маҳалладошларнинг ушқоқлиги остида ўтди. Очик овоз бериш йўли билан ўтган сайловда маҳалладошлар тўрт нафар мукобил номзодлар орасида йиғин раиси лавозимига муносиб номзодни сайладилар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

2-саҳифага

## Ислоҳот самараси

## ТАЪСИРЧАН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

маҳалла аҳлининг ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солади

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда кучга кирган турли жабҳаларга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятида ижтимоий адолат тамойиллари ус-туборлиги, аҳолининг турмуши фаровонлигини таъминлашга интилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳур-мат ва демократик давлат қуриш асослари ётади. Бу эса кучли фуқаролик жамиятининг негизидир.

Юртимизда илк бор Демократик институтлар, но-давлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси тузилди. Олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ўзини ўзи бошқариш органларининг бевосита иштирок этиши умуминсоний ҳамда миллий кадриятларимизнинг тикланиши ва ривож топиши йўлидаги муҳим қадамдир. Айни вақтда маҳалла тузилмаси фаолиятининг бош мақсади аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган десак, адашмаймиз.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлиги, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Йиллар давомида кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг ўрнаги ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамжи-

ҳатлиги мисолида ёшлар он-гида эзгу гоғлар, қалби-шу-рида бунёдкорлик, ватанпар-варлик, яратувчанлик ҳисси-сидан, албатта, фуқаролар йиғинига мурожаат этади. Оилавий ҳамда мулкий ҳолатларга оид маълумот-ларни йиғин мутасаддилари-дан олади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонуни-нинг 14-моддасида қайд қилингандек, аҳоли пункти-да нотариус бўлмаган тақ-дирда, шаҳарчалар, қишлоқ-лар ва овулларда истиқомат қи-лаётган аҳоли йиғин раиси орқали вазиятномаларни, ишончномаларни тасдиқла-тади. Шунингдек, фуқаролар ҳужжатлар нухсаси, кўчирма-лар, имзоларнинг аслига тўғрилигини шаходатлаш бо-расида ҳам оқсоқолга муро-жаат этишади. Булардан таш-қари, оилавий-можаролар билан боғлиқ масалаларни фуқаролар йиғинининг ўзида кўриш учун ҳам қонунни пух-та билиш лозим.

Маҳалла нуфузини кўта-риш нафақат иқтисодий-иж-тимоий, балки сиёсий, тар-биявий ва маънавий масала ҳисобланади. Шунинг эътиро-фи эътибор керакки, маҳалла ин-ституту фуқаролик жамияти-ни қуришнинг ўзига хос кўриниши сифатида жаҳон демократик амалиётидаги янги бошқарув усулидир.

Абдувоҳид ВАҲОБОВ, юридик фанлари номзоди, доцент. Мудассир САИДЗИМОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

**Mahalla**

— Яна нима дейсиз?  
— Маҳалла раислари сайловида сийлов бўлмайди, оқсоқол бўлган деган белини маҳкамроқ тусин.

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Табиий газ ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш хонадонларимиз ободлиги кафолатидир

Кундалик ҳаётимизда табиий газ ва электр энергиясининг аҳамия-ти бениҳоя катта. Ай-ниқса, куз-киш мавсу-мида бу неъматларнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис этишимиз керак. Айтайлик, хонадонимизда бир кун газ ёки чироқ бўлмаса, қанчалик ташвиш ту-ғилади, кайфиятимизга таъсир қилади.

Давлатимиз раҳбари Исом Каримов раҳнамоли-гида барча жабҳаларда амал-га оширилаётган ислохотлар аввало инсон манфаатлари-ни таъминлашга қаратилган. Хусусан, аҳолининг турмуш

фаровонлигини янада юксал-тириш, маийий шароитини тобора яхшилаб бориш Юр-тошимизнинг бундай эъти-борида. Бу борада аҳоли хо-надонлари, ижтимоий муас-сасалар, идора ва ташкилот-ларни узлуқсиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эъти-бор берилмоқда. Президен-тимизнинг шу йил 29 май-да қабул қилинган «Республи-ка иқтисодийти тармоқла-рини 2008-2009 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъ-минлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам ушбу масалага алоҳида

эътибор қаратилган. Аҳоли, корхона ва ижти-моий объектларга табиий газ, электр энергиясини қиш мавсумида узлуқсиз еткази-б бериш мақсадида жойларда кенг қўлмал қурилиш-таъ-мирлаш ишлари олиб борил-ди. Энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойда-ланиш мақсадида замонавий технологиялар жорий этил-моқда. Мазкур йўналишдаги ишлар натижасида аҳоли хо-надонларида, тахсилот ва корхоналарда газ ва электр таъминоти янада яхшилан-моқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФИНАЛДА

Футбол бўйича Саудия Арабистонида ёшлар ўртаси-да давом этаётган Осиё че-мпionatoида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим финал баҳсида Жанубий Ко-рея жамоасини мағлуб этиб финалга йўл олди.

Кескин ва муросасиз ку-

рашларга бой бўлган белла-шувда терма жамоамиз сар-дор Шерзод Каримовнинг ушбу йилнинг биринчи бўли-мида жаримдан йўллаган тўпи рақиб дарвозасидан жой олди. Айни шу гол му-собақа тақдирини ҳал қилди.

(ЎЗА)

## Қашқадарё вилояти ШОҲСУПАДА — МЕЗБОНЛАР

Мамлакатимизда ёшлар спортга бўлган эъти-бор спортнинг барча турлари бўйича янги-янги ис-теъодларнинг юзага чиқишига имкон бермоқда.

Қарши шаҳридаги мадани-ят ва спорт соғломлаштириш марказида қўл жанги бўйича ўсимирлар ўртасида Ўзбеки-стон чемпионати якунланди. Тўрт кун мобайнида 14-15, 16-18 ёш тоифасида мамлака-тимизнинг барча вилоятларидан келган 200 нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун гиламга тушди. Бахслар якунига кўра, қашқадарёлик ёш қўл жанги ус-талари шоҳсупанинг энг юқори логонасидан жой олишди. Бу галабага, айниқса, Қарши шаҳридаги «Локомотив» спорт клуби жамоаси сармукли ҳисса

қўшди. Тажрибали мураббий Хуршид Баҳринов шогирдлари-дан Аббос Жабборов, ака-ука Самар ва Санжар Худойқулов-лар чемпионатнинг олтин ме-далларига сазовор бўлишди. Мусобақада кейинги ўрин-лар умумжамоа ҳисобида ан-дижонлик ҳамда Тошкент шаҳ-ри спортчиларига насиб этди. Республикада биринчи-ликни эгаллаган барча спортчилар Осиё чемпионати-да иштирок этиш имкони-ятини ҳам қўлга киритишди. Курбон ЭҒАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

# ОШКОРАЛИК РУҲИДАГИ САЙЛОВЛАР

## Фуқароларнинг муносиб номзодларни сайлашида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Вакиллар йиғилишларида маҳаллаларда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш шaroитини яхшилаш борасида бир қанча ютуқлар қўлга киритилгани, шу билан бирга, баъзи фуқаролар йиғинларидан аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишда ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар кўмағидан урилни фойдаланилмаётгани, маҳаллада савдо ва бошқа шохобчаларнинг сони ортгани билан хизмат кўрсатиш турлари кўпаймаётгани, шунингдек, йиллар давомида ўз ечилини топмай келаётган айрим муаммолар ҳам йўқ эмаслиги қайд этиляпти.

Дарҳақиқат, янги сайланадиган йигин раиси ва унинг маслаҳатчилари йигин ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлиши ўта муҳимдир. Шу боис, мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирларда сайловчилар маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасида олиб борилаётган ишларни янада жонлантирадиган, ташаббускор, халқ ишончини оқлагша қодир номзодларга овоз беришати.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловчи бўлиши.

— Қорақалпоғистондаги мавжуд 352 та шаҳарча, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида сайловчилари самарали ўтказиш учун барча асослар етарли, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раисининг ўринбосари А.Келимбетова. — Бунда фуқаролар йиғинларида тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш

бўйича ишчи гуруҳларининг иши самарали бўлмоқда. Фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган сайловлар олдидан аҳоли ўртасида олиб борилган тушунириш ишлари бесама қетмагани шайлов натижалари кўрсатиб турибди. Яъни номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрланаётган пайтдан эътиборан, аҳоли оқсоқол ким бўлиши кераклиги ҳақида мулоҳаза юритиб, номзодларни фикр чигириндан ўтказиб олди. Табиийки, сайловлар фуқароларга ўзи муносиб кўрган оқсоқолни сайлаш имкониятини яратмоқда.

Анджон вилоятида ҳам фуқаролар йиғинларида сайловлар бошланди. Ушбу тадбирларда фуқаролар фаол иштирок этиб, ўз хоши-иродасини намоён этишмоқда.

— Кутилганидек, вилоятимизда сайловлар ошкоралик руҳида ўтказилляпти, — дейди сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси ўринбосари Иззатилло Ҳужаев. — Вилоятимиздаги барча шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловларни тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилган. Жорий йил 10 ноябрь ҳолатига кўра, вилоятимизнинг Олтинкўл, Пахтаобод, Анджон, Марҳамат ва Булоқбон туманларидаги бир қатор маҳаллаларда сайловлар бўлиб ўтди.

Ушбу ижтимоий-сиёсий жараён Бухоро вилоятида ҳам қизгин паллага кирди. Хусусан, вилоятдаги фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган сайловлар қизгин тортишув ва баҳс-мунозараларга бо бўлмоқда.

Маълумки, мазкур сайловлар «Фуқаролар йиғини

раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганидан сўнг иккинчи бор ўтказилляпти. Қонуннинг ҳар томонлама мукамил ва халқона ҳужжат экани боис жойларда унинг ижросини тўлиқ таъминлашда ҳеч қандай қийинчилик туғилмаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, вилоятда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қонунчилик талаблари асосида ташкил этилаётганини эътироф этиш жоиз.

Самарқанд вилоятидаги шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтаётган сайловларда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этмоқда. Ҳар бир ҳудудда бўлиб ўтаётган сайловлардан маълум бўляптики, сайловдан-сайловгача аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётир. Ҳар бир юрtdошимизнинг ўз фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этаётганини, жамият ҳаёти, келажиги учун бефарқ эмаслигини сайловларда тўлиқ иштирок этиб, мазкур тадбирларнинг очик, ошкора тарзда, адолат мезонлари асосида ўтишига астойдил ҳисса қўшаётганидан ҳам билиш мумкин.

— Маҳалла фаоллари билашиб, ҳамкорликда амалга оширган иш ҳар доим хайрли бўлган, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси Уктам Аслидинов. — Сайлов борасида ҳам худди шундай фикрнинг айтиш мумкин. Янги сайланаётган раисларнинг дунёқараши кенг, замонавий фикрлай оладиган инсонлар экани бунини исботлайди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

# 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Инсоният яралибдики, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун курашиб келади. Дунё тарихидаги буюқ ўзгаришлар замирида ҳам инсон манфаатларининг тан олиниши ётади. Айтиш керакки, инсон манфаатлари узоқ йиллар мобайнида олиқ қадрият сифатида шаклланиб келди. Уни ҳурмат қилиш, эъозлаш инсонпарварликнинг энг улуг ифодасидир.

Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти натижасида вужудга келган ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, инсон манфаатлари, эркинликлари, ҳуқуқлари ва бурчларини ўзида муҷассамлаштирди. Бу ақсарият давлатларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи конституциясида намоён бўлди.

Санокли кунлардан сўнг халқимизнинг орзу-умидлари ифодаси — бош Қому-

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

симизнинг қабул қилинганига 16 йил ўтди. Бу вақт оралиғида Конституция жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ҳаётида кенг қамровли ислохотлар ўтказишда, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда энг муҳим таъминловчи бўлиб хизмат қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, конституцион тузумга асосланган мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳам инсон манфаатларига йўналтирилди. Конституциянинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деб ёзиб қўйилган. Демак, давлат фаолиятининг неги-

зини халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Шу сабабли халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи сифатида эътироф этилган.

Қомусимизда фуқаролар ҳуқуқлари шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турларга бўлинади. Бу ҳам бевосита инсонларнинг турли соҳалардаги ҳуқуқларини тан олинишининг бир кўринишидир. Чунки иқтисодий ҳуқуқсиз ижтимоий ҳуқуқни ёки шахсий ҳуқуқсиз бошқа ҳуқуқларни тасаввур этиш қийин. Улар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Фуқаро жинси, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий

ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенг ҳисобланади. Бу конституциянинг жамиятдаги таъсир кучини ошишини таъминлаш билан бир қаторда, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишининг муҳим омилдир. Чунки қонун устуворлиги таъминлангандагина оддий халқ ва ҳокимият ўртасида мустаҳкам кўприк бунёд бўлади.

Дунё давлатларининг конституцияларида ҳам яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги эътироф этилган. Уни ҳеч қим қийноққа солиши, зуравонлик, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа таътиқларга ду-

чор этиши мумкин эмас. Зеро, инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши қафолатлангандагина, унинг бошқа манфаатларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Шу сабабли Қомусимизда уч асосий қадрият — «шахс-жамият-давлат» белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Конституцияни фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасида тузилган ўзига хос шартнома, деб аташ мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституциядаги барча моддалар неғизда халқ ва унинг фаровонлиги, манфати, ҳақ-ҳуқуқлари муҷассам. Зотан, инсон бутун умри давомида яхши яшашга, авлодларига шарт-шароит яратишга интилади. Бош Қомусимизда эса бу нарса қафолатлаб қўйилган.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА, Яққасарой тумани 1-давлат нотариал идораси нотариуси

## Йил дастури ижроси

# ЁШЛАР ДОИМ РАҒБАТДА

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси доирасида юртимиз маҳаллалари ўртасида ўтказилган «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловида Асака шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласи голиб деб топилди.

— Маҳалламизда ёш оилаларнинг уй-рўзгор шароитларини яхшилаш, уларга моддий-маънавий кўмак бериш борасида ибратли ишлар қилиняпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Жўраева. — Бу ишга ҳаёт



тажрибасига эга бўлган қайновилар, ҳомийлар жалб этилган. Яқинда савоатпеша фуқароларимиз иктидорли, ташаббускор ёшларга компьютер совға қилишди. Уйлаймкан, бу

## Анджон вилояти

# Узоқбоқ САҚСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

хайрли иш, албатта, йигит-қизларнинг янада чуқурроқ билим эгаллашига ёрдам беради.

СУРАТДА: маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Жўраева (чапдан биринчи) фаоллар иштирокида Муҳайё Абдуллаевага компьютер совға қилмоқда.

Ушбу сурат-лаёҳа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоати фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати» амалга оширилиши тақомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодини тантанаварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи»

харакат қиламиз. Афсуски, ҳамма ҳам шундай йўл тутмайди. Оқибатда қарздорлик пайдо бўлиб, таъминотчи қорхоналар фаолиятида муаммолар пайдо бўлади. Биз бундай бебаҳо неъматларни қадрлашимиз, тежаб-тергаб фойдаланишимиз, тўловларни ўз вақтида тўлаб боришимиз зарур. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтилмайди-ку.

Хонадонларимизни қароғон этиб турган электрик, қозонимизни қайнатиб, оиламизга файз бахш этаётган газ ҳам истеъмолчига етиб келгунча мураккаб технологик жараёнларни, минглаб соҳа фидойиларининг захматли меҳнатини талаб этишини инобатла оладиган бўлсак, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Ҳа, миллий бойлигимиз бўлган табиий газ ва электр энергиясидан тежамакорлик билан фойдаланиш ва уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаш, ён атрофимиздагиларни ҳам шунга даъват этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ушбу неъматлардан нафақат бизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам ҳаққи бор.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

## Семинар

# ОДАМ САВДОСИ — ЖАҲОН МУАММОСИ

Қарши шаҳрида «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлиmlари ташаббуси билан маҳалла фаоллари иштирокида одам савдоси муаммосини бартараф этишга бағишланган вилоят миқёсидаги семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда «Одам савдоси ва унга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда Юрtdошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида 2008-2010 йилларга мўлжаллаб тасдиқланган Миллий режада белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари кўрилди.

Семинар-йиғилишда сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Д.Аллаев ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Я.Иноятлов кейинги йилларда жамғармалар томонидан одам савдосига қарши курашиш, бундай ҳолатларга чек қўйишга қаратилган тушунтириш ишларини айнан маҳаллаларда йўлга қўйилгани яхши самара бераётганини қайд этдилар. Шунингдек, вилоят прокуратураси ва вилоят ички ишлари Бошқармаси вакиллари ҳам «Одам савдоси ва унга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталар экан, ушбу муаммони бартараф этишда маҳалла фаоллари, хусусан,

фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб турган одам савдоси муаммоси ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Бу жиноятнинг олдини олиш ва бутунлай чек қўйиш учун оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим эканлиги семинар иштирокчилари томонидан ҳам қайд этилди.

Йиғилиш сўнггида «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлиmlари ҳамкорлигида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

МУХБИРИМИЗ

## Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш шакллари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

19-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича санақ комиссияси

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат таркибда санақ комиссияси сайланади.

20-модда. Очик овоз беришни ўтказиш тартиби Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очик овоз бериш орқали ўтказилаётганда овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

21-модда. Яширин овоз беришни ўтказиш тартиби Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини иштирокчиларига санақ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенлари бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз беришчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўдирилади. Овоз беришчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Овоз беришчи тўдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қилишга ташлабди.

Сайлов қилини овоз бериш тугаганидан кейин санақ комиссияси томонидан очилади.

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Табиий газ ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш хонадонларимиз ободлиги қафолатидир

энергия қоидага зид равишда истеъмол қилингани аниқланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмининг тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинглар натижасида Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги «Барақали бошоқ», «Э.Эгамов» фермер хўжалиқларида электр ҳисоблагич приборларидан носоз ҳолатда фойдаланилаётгани аниқланган. Шунга ўхшаш ҳолатлар вилоятнинг Бағдод туманидаги бир қатор фермер хўжалиқларида ҳам қайд этилган.

Жиззах шаҳридаги «Наврўз айёми» хусусий фирмаси томонидан янги бино қурилишида электр энергиясидан тўғридан-тўғри —

электр ҳисоблагичларсиз фойдаланилаётгани маълум бўлди. Аниқланган бундай қамчиликлар юзасидан 476 қорхона ва ташкилотнинг 722 мансабдор шахсига нисбатан 61,6 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди. Қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 135 ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилган.

Сир эмас, бугун дунёда ёқилғи-энергетика тақчиллиги кузатишмоқда. Бу муаммо юксак тараққий этган давлатларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Шурқри, савоатли заминчи табиий захираларга бой. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ички ислохотлар натижасида газ, кўмир казиб олиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бораётир. Истеъмолчиларга етказиб берилаётган газ, электр энергиясининг нархи бошқа кўлаб мамлакатларга қараганда бир неча баробар арзон.

Аммо, афсуски, кундалик турмушимизда газ ва электрдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари кўп учрайди. Эҳтиёж бўлмаганда, газ ёки қароғоннинг ёниқ туриши, тармоқлардаги носозликлар туфайли рўй берадиган йўқотишлар шулар жумласидандир. Одатда, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилиш ғуноҳ ҳисобланади. Бу борда панду насихатларни, ибратли ўғитларни кўп эшитамиз. Исроф бўлаётган газ, кўмир ёки электр ҳам зинга йўл очига эса эътибор бермаймиз.

— Бугунги ҳаётимизни коммунал хизматларсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди оҳангаронлик меҳнат фахрийси Неъмат ота Умарзонов. — Газ ва электрнинг узлуқсиз етказиб берилаётгани туфайли хонадонларимиз иссиқ ва қароғон. Шунга яраша уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб боришга

Савол: Маълум қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига бошқа фуқаролар йиғини ҳудудда доимий истиқомат қиладиган шахслар номзод сифатида кўрсатилиши мумкинми? Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзод фуқаролар йиғини ҳудудда муқаддам қанча муддат яшаган бўлиши макссадга мувофиқ ҳисобланади?

Жавоб: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни миллий қадрият ва аъёналаримиздан келиб чиққан ҳолда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Қонуннинг 15-моддасида фуқаролар йиғини раис (оқсоқоли) вазифаси учун номзодларга қўйилаётган талаблар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Унга қўра, номзод тегишли ҳудудда доимий (вақтинчалик эмас) яшаб турган бўлиши лозим. Аммо унинг мазкур ҳудудда муқаддам қанча муддат яшаган бўлиши ҳақида

Савол: Фуқаролар йиғини раисини ваколатлари муддатидан илгари тугатилса, унинг ўрнига ушбу вазифасини бажариш учун масъул шахсини сайлаш қай тартибда амалга оширилади?

Р.Шерқулов, Жиззах вилояти Баҳмал тумани

Жавоб: «Фуқаролар йиғини раисининг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (оқсоқолининг) ваколатлари у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда, фуқаролар йиғини бу хусусда қарор қабул қилганда, белгиланган тартибда муомалаларга лавҳатсиз деб топилганда ҳамда унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний қў-

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстликнинг электр алоқа операторлари кенгаши ҳамда Электр алоқа бўйича минтақавий ҳамдўстлик комиссиясининг қўшма мажлиси иш бошлади. Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон алоқа маъмуриятлари вакиллари иштирок этмоқда.

Форумда давлатлараро йўналишларда тармоқларнинг ишончилигини ошириш, янги электр алоқа хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган алоқа қаналарининг ахборот хавфсизлигини яхшилаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, мажлисда телеграф тармоқларини модернизация қилиш, уларни маълумотлар узатиш канал ва тармоқлари

лиқаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникация оператори ҳисобланган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ўз тармоқларини тубдан модернизация қилмоқда, замонавий технологияларни ўзлаштириш баробарида маълумотлар узатиш, Интернетдан фойдаланиш ва IP-телефония бўйича янги турдаги хизматларни жорий этишга асосий эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллиондан ортиқ рақамга эга 2 мингтадан ортиқ АТС мавжуд. Ушбу рақамларнинг 86 фоизи рақамлаштирилган. Тармоқларнинг ишлаш сифати оширилди, Интернет тизимидан юқори суръатда фойдаланиш таъминланди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, ҳамдўстликнинг операторлари кенгаши таркибига кирди, унинг йирик халқаро лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда, хорижий операторлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарувчи компаниялари билан биргаликда харақат қилмоқда.

Бундан ташқари, қўшма мажлис иштирокчилари МДХ мамлакатларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқ телекоммуникация маконини босқичма-босқич ташкил этиш жараёни, яқин келажакда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик фаолият дастурини муҳофаза этмоқда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялаштириш зарурлигини таъкидламоқда. Ҳозир бутун дунёда бўлгани каби МДХ мамлакатларида ҳам энг янги ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатда жорий қилинмоқда ва бу жараён Ҳамдўстлик маконидан энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши керак.


В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Узбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Мухитдинов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2010 йилгача Ўзбекистон Респуб-

«Mahalla» жавоб беради

«Mahalla» жавоб беради

Фаргона вилояти



«Вера агро сервис» чорвачилик фермер хўжалиги нафақат Қувасой шаҳрида, балки Фаргона вилоятида ҳам илгор хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида 780 бош Германия ва Голландиянинг олақора зотли қорамоллари парвариш қилинади. Фермер хўжалигида бир кеча-кундузда 3 минг 500 тонна сут соғиб олинади. Хўжалиқда сутни қайта ишлаш ва 4 хил қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Фаргона шаҳрида фермер хўжалиги қарашли гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи махсус дўкан ишламоқда.

СУРАТДА: фермер хўжалиги ветврачи Ҳамид Умаров. М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Йилнинг кимлар ишлади?

# РАИС ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

**Қарши шаҳридаги «Қарлуқбоғот» маҳалласида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида қатнашар эканман, бундан икки ярим йил илгари худди шу маҳаллада сайлов куни рўй берган воқеа кўз олдимдан ўтди. Ушанда йиғилиш вакиллари на йиғин раисининг ўз фаолиятига доир берган ҳисоботи, на фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган икки номзоднинг дастури қаноатланганди.**

Ҳақиқатан ҳам, шаҳардаги йирик маҳаллалардан бири саналган, худудида 25 та кўча, 847 та хонадон мавжуд бўлган маҳаллада бу давр ичида ишлар бир қадар орқага кетган, унинг доғури анчагина пайсалланди. Шу сабабли, вакилар йиғилишида тортишув авҳига чиққан эди.

«Йиғиннинг илгариги жонқуяр раиси Гулчерахон Пиримқуловдан бўлак киши бу вазифани ундай олмайдими» дейишди йиғилганлар. Уч-тўрт нафар гага етарман, обрўли кишилардан иборат вакиллар олаҳоннинг розилигини олиб келиш учун жўнатилди. Гулчерахон уларни оқиб кўз билан кутиб олди, ичкарига тақлиф этди.

Ишди вакиллар, — лекин аввал илтимосимизни қабул қилишга сўз берасиз.

Уй соҳибаси гап нимада эканини билмай туриб розилик бергандай бўлди. Тақлифни эшитган:

— Майли, ўзимни олиб қочмай, аммо йиғин раиси бўлишга эмас, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясини бошқаришга розиман. Оқсоқоликка ким сайланганидан қатъий назар унга қўлимдан келган ёрдамни бераман, — деди...

Уни йиғилиш қатнашчилари хузурига олиб келишгач, вазият тамоман ўзгарди. Гулчерахонга кўпчилиги ишонч билдиргандан кейин ортиқча гап-сўзларга ҳам ҳоҳат қолмади — у бир овоздан фуқаролар йиғини раиси этиб сай-

ланди. Ушанда бу аёлга «Эл-юрт хурмати» ордени бекорга берилмаганини яна бир бор англаган эдим.

Г.Пиримқулова каттагина тадбиркор бўлиши, зардўзлик, хунармандчилик мактаби — «Муҳтарам аёл» уюшмасига раҳбарлик қилишига қарамай, маҳалладошлари ишончини оқлашга вақт топа олди. Келинг, ўтган икки ярим йил мобайнида маъқур маҳаллада бажаришган баъзи ишларга назар ташлайлик.

Маҳаллада ободонлаштириш, кўчаларнинг яшилдириш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Таъмирталаб кўчаларга асфальт ётқизилди, ёриткичлар ўрнатилди, хонадонлар газ, ичимлик сув билан таъминланди. 6 миллион 250 минг сўм сарфланиб, «Дам олиш маскани» барпо этилди. «Зиндапил Аҳмад Жомеъ», «Эшон шаҳид» қабристонларида 13 миллион сўмлик қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Яққабог туманидаги «Саховат уйи»га 3 миллион сўм, кам таъминланган оилалар, ёлғиз пенсияонерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари-

га 200 миллион 900 минг сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди. Бир неча оилага газ ва сув, электр энергияси тўловларини тўлашга ёрдам берилди. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар кийим-бош, озиқ-овқат вазиюлотларини билан таъминлаб турилибди. Шунинг натижаси ўларок, ўтган йили ушбу маҳалла «Ижтимоий хўшоа йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловидида олий ўринга муносиб кўрилди.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят миқёсда маънавий-маърифий ишларга бағишлаб ўтказилган семинар-бағиш ҳам худди шу маҳаллада ўтказилиб, худудда бу борада олий борилган ишлар, орттирилган тажрибалар барча фуқаролар йиғинларига намуна қилиб кўрсатилди.

Бу йилги сайловга тайёргарлик қилиш жараёнида фуқаролар йиғинлари раислари

(оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар комиссияси ва маҳалладаги ишчи гуруҳи томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йилги сайловларда ҳам вакиллар йиғилиши иштирокчилари Гулчерахон Пиримқуловага юксак ишонч билдиришди.

— Олдинда бажаришимиз лозим бўлган ишлар кўп, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Пиримқулова. — Худудимизда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шунга яраша оилалар сони ҳам кўп. Хар бир оиланинг яшаш тарзи турлича, ўзига хос хусусиятлари бор, буни ҳисобга олиш зарур. Шаҳарда, шу жумладан, маҳалламизда ҳам қурилиш архитектура қондаларини бузиш ҳолатлари учраб тургани сир эмас. «Ўзим кун, қўлам кам майдон» қабилида иш юритиб, педдалар йўлакларини, имконини қилса, катта қўчаларни ҳам тор қилиб, ус-

Қашқадарё вилояти

## МАСЛАҲАТЧИ ЁЛҒИЗЛАНИБ ҚОЛМАСИН

Кейинги пайтда маҳалла ва қишлоқлардаги тиҷиллик-осойишталик ва ривожланиш кўп жиҳатдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти билан боғланибди. Улар аҳолига маънавий кўмак бериш билан биргаликда фуқаролар йиғини фаолиятининг таъсир кучини янада оширяпти.

Оқунбобов туманида 45 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бугунги кунда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот, маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Лангар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қорақалтак» маҳалласи маслаҳатчиси Дилдоракон Турғунова ўз маҳалласида ўрнат қилиб кўрсатишга аризилиги ишларни амалга оширяпти.

У фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилаётган 950 хонадонда оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, улар ўртасида касана-чилик ҳаракати ва чорва моллари боқишини ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, фар-

яхшигина даромад олишайтир. Аҳоли турмуши йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Буни янги қурилатган уй-жойлар ва хонадонлардаги ҳар хил русумдаги янги автомашиналар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, ижобий натижаларга эришишда фақатгина маслаҳатчининг фаолияти етарли эмас. Аҳолининг бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Маслаҳатчи муаммолар ечимида ташаббускор бўлмоғи, маҳалладошларини эзгулик, бунёдкорликка даъват этиб, уларни хайрли ишларга етакламоғи даркор. Маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг атрофидаги фаоллар амалга оширилайётган барча ташкилотчилик ва оммавий-маърифий ишларга бош-қош бўлишлари, маслаҳатчининг доимо кўмаклаб-қувватлаб, унинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари зарур. Зеро, ҳар бир маслаҳатчининг ўз бурчини намунали адо этиши айнан шу жиҳатларга боғлиқ.

Алижон МИРЗАБОВЕВ, «Mahalla» муҳбири.

## Бунёдкорлик

# ОБОД БЎЛГАН ГЎШАЛАР

Зафаробод – Гижувон туман марказидан салкам 100 километр олдидан ястаниб ўтган Қизилқум чўли бағрида жойлашган мўъжазгина шаҳарча. Бу ерда, асосан, Навоий тоғ-кон



Шаҳарча қўёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Салкам беш ярим минг нафар фуқаро истиқомат қилаётган шаҳарчада ҳаёт кундан кун фаровонлашиб бормоқда. Айниқса, «Ешлар йили» Давлат дастури доирасида хайрли ишлар янада жонланди, десак аниқлашмаган бўламиз. Янгидан қуриб фойдаланишга топширилган 320 ўринли «Золотинка» болалар боғчаси, Ешлар маркази, қайта таъмирланган 52-сон умумтаълим мактабининг замонавий ва кўркам бинолари фикримиз далилидир. Хусусан, Ешлар марказида спорт ва маърифий-маданий йўналишдаги тури тўғрақлар ишламоқдаки, у ерда ёшлар бўш вақтларини маъмули ўтказишмоқда. Марказнинг энг замонавий спорт, мусика жиҳозлари ҳамда техника воситалар билан таъминланганлиги ёшларнинг талаб ва истақларига тўла мос келади.

металлургия корхонасининг 5-сон руда қонида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилари ва «Кўкча» қоракўччилик ширкат хўжалигининг кўйчивонлари яшайди.

тароф этиш борасида ҳам бир қатор чоралар белгиланиб, шаҳарча худудидаги руда қонида 245 нафар ёш ишга жойлаштирилди ва 56 нафар хотин-қиз касаначилик асосида иш билан таъминланди. Еш мутахассисларнинг билим олиши, малака ошириши учун шароитлар яратиб берилди. 250 нафар ёш оилага уй-жой қуриш учун ер майдон ажратилиб, 5 гектар майдонда Ешлар боғини борпо этиш борасида ишлар олиб боришмоқда.

— Шаҳарчама ҳудудда жойлашган тоғ-кон металлургия корхонаси турли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида бизга яқиндан ёрдам бериб келяпти, — дейди Зафаробод шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Акбарали Қодиров. — Корхона маъмурияти маҳалламиз томонидан уюштирилган турли тадбирлар, спорт мусобақаларининг ўтказилишига, кўча ва хонадонларни асфальтлаштириш, ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш ишларига ҳам кўмаклашяпти.

Шунингдек, фуқаролар ҳам ташаббус кўрсатиб, бир қатор хайрли ишларни хашар йўли билан амалга оширмоқдалар. Худуддаги «Кўкча» масжиди ҳам аҳолининг ушқоқлиги самараси ўларок бунёд этилди. Унинг қурилиши учун маҳалла тадбиркорлари ва саховатпеша инсонлар томонидан 3,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳамроз АЛИ, «Mahalla» муҳбири. СУРАТДА: «Золотинка» болалар боғчаси.

## ХАВҒСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Юртимизда аҳоли осойишта-лигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш ички ишлар тизими ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу борада Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими хуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

— Жамоамиз тумандаги қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйган, — дейди гуруҳ раҳбари, милиция майори Баҳодиржон Ор-

тиқов. — Ўн бешта милиция таянч пунктда фаолият юритаётган 21 нафар профилактика инспектори, олти нафар воғга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш инспектори кечаю кундуз ўз хизмат вазифаларини сийдиқидан адо этишмоқда.

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида 235 та жиноят қайд этилиб, шундан 217 таси бўйича жиноят иш очилган. Низом Ғофуров, Хусниддин Тожидинов, Бобуржон Ғофуров, Фарҳод Мирзараҳимов каби инспекторлар профилактика тадбирларда фаол иштирок этиб, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар осойишталигини назорат қилишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Хусусан, улар туман ички иш-

лар бўлими томонидан олиб борилган гижувон ва психотроп моддаларни тайёрлаш, сақлаш ва сотишга қарши курашишга доир тадбирларда алоҳида ўрнат қўрсатдилар.

Бугунги кунда ички ишлар ходимининг ҳар томонлама етук бўлишига эришиш мақсадида туманда профилактика инспекторлари малакасини оширишга қаратилган жанговор тайёргарлик, турли мавзуддаги маънавий-маърифий машғулотлар ташкил этилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида аҳоли ўртасида тушултириш ишларини олиб боришда хуқуқий билимларга таяниш мумкин.

Узоқбой САҚСОНБОВЕВ, «Mahalla» муҳбири.

## НОН СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Жиззах туманидаги «Зумрад шуъласи» кичик корхонасида хориж технологияси асосида тайёрланаётган нонлар харидорларга манзур бўлмоқда.

— Маҳсулотларимизни буюртмачилар ва савдо дўконларига ўз вақтида етказиб берамиз, — дейди корхона раҳбари Йўлдош Музаффаров. — Бу ҳам истеъмолчилар учун катта қулайлик яратди. Корхонамиз тула қувват билан ишлаш бошлагач, бу ерда бир кеча-кундузда беш тонна маҳсулот тайёрланади.

Корхонада аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга бағишлаб ўтказилган вилоят семинари давомида унинг ишлаб чиқариш фаолияти ўрганиб чиқилди ва «Зумрад шуъласи» ажратилаётган ун миқдорини кўпайтиришга қарор қилинди. Натижада кичик корхона тула қувват билан ишлайдиган бўлди.

Вилоятда махсус технология, синов лабораторияси, маҳсулотни харидорларга етказиб беришни автоматлашган ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлган замонавий нон тайёрлаш корхоналарини кўпайтириш чоралари қўрилайётгани таъкидланди. Бугунги кун талабларига жавоб беришга қараганда корхоналарни эса реконструкция ва модернизация қилиш, улардаги ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш тавсия этилди. Аҳолини арзон ва сифатли нон маҳсулотлари билан улуқсиз таъминлаш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

И.Чоршанбиев, Чироқчи тумани.

Вилоятда махсус технология, синов лабораторияси, маҳсулотни харидорларга етказиб беришни автоматлашган ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлган замонавий нон тайёрлаш корхоналарини кўпайтириш чоралари қўрилайётгани таъкидланди. Бугунги кун талабларига жавоб беришга қараганда корхоналарни эса реконструкция ва модернизация қилиш, улардаги ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш тавсия этилди. Аҳолини арзон ва сифатли нон маҳсулотлари билан улуқсиз таъминлаш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

Вилоятда махсус технология, синов лабораторияси, маҳсулотни харидорларга етказиб беришни автоматлашган ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлган замонавий нон тайёрлаш корхоналарини кўпайтириш чоралари қўрилайётгани таъкидланди. Бугунги кун талабларига жавоб беришга қараганда корхоналарни эса реконструкция ва модернизация қилиш, улардаги ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш тавсия этилди. Аҳолини арзон ва сифатли нон маҳсулотлари билан улуқсиз таъминлаш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

Вилоятда махсус технология, синов лабораторияси, маҳсулотни харидорларга етказиб беришни автоматлашган ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлган замонавий нон тайёрлаш корхоналарини кўпайтириш чоралари қўрилайётгани таъкидланди. Бугунги кун талабларига жавоб беришга қараганда корхоналарни эса реконструкция ва модернизация қилиш, улардаги ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш тавсия этилди. Аҳолини арзон ва сифатли нон маҳсулотлари билан улуқсиз таъминлаш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

И.Чоршанбиев, Чироқчи тумани.

**«Mahalla» жавоб беради**

**Савол:** Маҳалламизда маънавий чикиндиларни ташлайдиган махсус жойларнинг борлиги кишини қувонтиради, албатта. Афсуски, ахлат қутилари аксарият ҳолларда тўлиб-тошиб ётгани тўғрисида йил-атрофда чикиндилар сочилиб кетади. Бу чикиндиларнинг ўз вақтида белгиланган тартибда олиб кетилмаслиги натижасидир. Оқибатда, уни кўриб, маҳалламизда келган меҳмонларнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам кўнглимиз хира тартади. Ушбу чикиндиларнинг ўз вақтида ташиб кетилишини таъминлаш учун қаерга мурожаат этишимиз лозим?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси аҳолисига қомулал хизмат кўрсатиш қондаларига мувофиқ, (Коммунал хизмат вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 17-сонли буйруқ билан тасдиқланган) маънавий чикиндиларни белгиланган тартибда чиқариб кетиш ишлари ҳар кун амалга оширилиши керак. Сиз чикиндиларнинг махсус жойларга олиб чиқиб кетишда узулти ҳолатлари рўй бераётганини сезсангиз, коммунал тўловларни тегишли равишда қамайтиришни талаб қилишга ҳақлисиз. Бунинг учун туман ҳокимлигига мурожаат этишингиз мумкин.

С.Рустамов, Жиззах шаҳри.

**«Mahalla» жавоб беради**

**Савол:** Дорихонада шифокор маслаҳатчиси дори харид қилган эдим. Бироқ шифокор кўригидан ўганимдан, у бошқа дори ичинини тавсия этди. Харид қилинган дорини бошқасига айлантириш хуқуқига эгами?

**Жавоб:** Саволингиздан маълум бўлдики, сиз сотиб олган дорининг яроқлилик муддати ва сифатида нуқсон йўқ. Бу ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган Улғуржи савдо қондаларига амал қилинади. Унинг биринчи иловасида сифати лозим даражада бўлса, қайтариб олинмайдиган ҳамда айни шу ҳилдаги бошқа товарага айлантирилмайдиган товара рўйхати берилган. Бушди товара ривасида дори воситалари ҳам қиради. Демак, бу ҳолатда сиз дорини айлантириш олиш хуқуқига эга эмасиз.

Борди-ю сотувчининг дори ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ маълумот бермагани сабабли сиз зарур истеъмол хоссаларига эга бўлгангач дорини сотиб олган бўсангиз, зарар қопланишини талаб қилишга ҳақи бўласиз.

А.Зайдинов, Асака шаҳри.

**«Mahalla» жавоб беради**

**Савол:** 17 сотихли томорқам бор. Шу ерда 30 бош қорамол боқишни йўлга қўйиш учун қандай хуқуқ ва бурчларга эгаман?

**Жавоб:** Сиз режалаштираётган фаолият тури бир қанча қонун ҳужжатлари билан тартибда солинади. «Дехон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига қўра, дехон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда таққиланмаган ҳар қандай тури, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкда чорва моллари бўлган фуқаролар личан ўриш ҳамда яллов сифатида вақтинча фойдаланиш учун ер участкалари олиши мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 55-моддасида белгиланган бўлиб, Солиқ кодексининг 383-моддасига биноан, дехон хўжаликлари солиқ тўловчилар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириши лозим.

Шунингдек, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, чорвачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ўз маблаглари ҳисобидан чорва молларининг юқумли касалликларга қалинишига йўл қўймалик мақсадида ветеринария-санитария қондаларига риоя этиши шарт.

## ХАЛҚАРО ҲАБАРЛАР

АҚШ: «ФЕНИКС» ФАОЛИЯТИ ТЎХТАДИ

«Феникс» фазовий аппарати Марсдаги фаолиятини тўхтатди. Бу ҳақда душанба кун «Феникс» илмий лойиҳаси раҳбари — Тусондаги Аризона университети профессори Питер Смит маълум қилди.

Марснинг Шимолӣ қутбига қўйш нури тушиши сезиларли даражада қамайиб кетгани оқибатида «Феникс»нинг қувват олиши учун имкон қолмагани боис қурилма қиш мавсумида Марсдаги тақдиқотларини давом эттири олмайд.

Смитнинг таъкидлашича, «Феникс» режада белгиланганидан икки ой муддат кўп ишлаган. Ўтган вақт мобайнида қурилма илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик бўлган қўллаб маълумотларни, жумладан, 25 мингдан ортиқ фотосуратларни ерга жўнатган. «Ишончим комилки, «Феникс» ёрдамида олинган маълумотларга асосланиб, Марс сайёраси билан боғлиқ қўллаб илмий аниқликлар қилинади», — дейди Смит.

«Феникс»нинг асосий вазифаси қанчалардир Марс сайёрасида микроорганизмлар ҳаёти учун зарур шароит мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлашдан иборат эди.

## ХИТОЙ: ИНТЕРНЕТ-ТОБЕЛИК — КАСАЛЛИК(МИ?)

Хитойлик шифокорлар томонидан интернет-тобелик даво чоралари талаб қилинадиган касаллик, дея расман тан олинди. Ушбу касалликнинг диагностика белгилари ва уни даволаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Сунгги пайтда интернетдан фойдаланишда меъёрни унутиб қўяётгани сабабли руҳий муаммоларга дуч келаётган фуқаролар кўп учрамоқда. Касалликнинг диагностика белгилари ва уларни аниқлаш усуллари Пекин марказий ҳарбий шифохонаси ходимлари томонидан кўп вақтини интернет тармоғида ўтказувчи 1300 нафар кишини табиий таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилди.

Интернет тармоғидан фойдаланишга бўлган қучли иштиёқ билан биргаликда кузатиладиган аклий-жисмоний толиқиш, жиҳазчилик ва уйқунинг бузилиши каби салбий ҳолатлар интернет-тобеликнинг белгиларидир. Янги ишлаб чиқилган диагностика тавсияларга қўра, қунига қанида 6 соат вақтини интернет тармоғида ўтказган ва 3 ой давомда юқорида қайд этилган ҳолатларни хис қилган киши интернет-тобелик касалига қалинган ҳисобланади.

Махсус хулосани илгари сураётган шифокор Тао Жаннинг айтишича, шифохонага мурожаат қилган беморларнинг 80 фоизини буткул даволаш мумкин. Муволажа даври уч ой давом этади. Аммо муволажа сифатида қандай чоралар қўрилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Корея: ШОВ-ШУВЛАР РОСТМИ? Япония ОАВ Корея халқ демократик республикаси раҳбари Ким Чен Ир иккинчи марта инсульт ҳолатини бошдан ўтказди, дея хабар тарқатди.

АҚШнинг Жанубий Кореядаги махсус хизмат ходимларидан олинган маълумотларга қўра, Пхеньяндаги ёпиқ тартибда фаолият юритувчи шифохонада даволанаётган Ким Чен Ир уч ой давомда икки марта бошдан инсульт ҳолатини бошдан кечирган. «Иккинчи инсульт оқибатида Ким Чен Ирнинг чап ойғи ва қўли қисман шов бўлиб қолган. Шунингдек, унинг нутқида ҳам муаммолар юзага келган», — деб ёзади Tokyo Broadcasting System АҚШ махсус хизмати вакилининг (исми ошкор қилинмаган) сўзла-



Тошкент шахри

# «КАМОЛОТ»ДА КАМОЛ ТОПДИМ!»

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида ўтказилган тadbир ана шундай номланди.

Бундан бир йил олдин Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қошида ҳаракатнинг кўчи бўғинларида фаолият самардорлигини оширишга қаратилган «Сардорлар мактаби» ташкил қилинган эди. Мақсуд мактаб ўзининг махсус белгисига, кўрак нишони ва байроғига эга.

— Ушбу мактабни ташкил қилишдан мақсад юртимиз ёшларида ташкилотчилик, етакчилик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўз қобилият ва иқтидорларини юзага чиқаришга ёрдамлаштириш, — дейди Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Одина Жамолдинова. — «Сардорлар мактаби»га 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли, жамоатчи ёшлар жалб этилган. Ёзма иншо, тест синиви, сўхбат, таржимаи ҳол сингари турт босқичли синов

шартлари асосида танлаб олинган фаол ёшлар уч ойлик ўқув-семинар машғулотида иштирок этишди. Бундан ташқари, ёшлар учун фан арбоблари, сийбачилар, маданият ходимлари ва турли партиялар етакчилари билан давра сўхбатлари, қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Бугунги кунда «Сардорлар мактаби» фаолиятининг қизиқарли тарзда йўлга қўйилгани ҳамда янги-янги лойиҳалар амалга оширилаётгани боис унга аъзо бўлиш истагидаги ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

«Сардорлар мактаби»нинг ташкил этилиши биз ёшларнинг кўнгилмизига иш бўлди, — дейди мактабнинг махсус олтин диплом соҳиббеси Саида Жалолова. — Бу ерда мен бил-дилларимни бойитиш билан бирга кўплаб дўстлар орттирдим. Энди тўплаган тажрибаларим асосида янги лойиҳалар яратиш устида ишлайман.

Тadbир сўнгида пойтахтимиз ёшларининг 80 нафарига «Сардорлар мактаби»нинг бронза, кумуш ва олтин дипломлари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

## Турмуш чорраҳаларига

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ХАТО

ортидан келган оқибатлар ота-онанинг ҳам, маҳалланинг ҳам тинчини бузади

Маҳалла идорасига кириб борганимда оқсоқол ўйчан, бироз тушкун кайфиятда ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг ўзимни таништирдим.

— Хуш келибсиз, — чехраси ёришди оқсоқолнинг. — Бир масалада бошим қотиб, ечимини тополмай ўтиргандим. Хойнаҳой, келатиб бу ноҳадан чиқиб кетатган икки аёлга кўзингиз тушгандир. Улар қайноталаридан қолган ҳовли-жойдан ўз улушларини даъво қилиб келишибди. Энг ачинарлиси, улар бегона эмас, ақин дўстимнинг келинлари. Уларга қилган насиҳатларим зое кетди, ҳатто эшиттиларин ҳам келмади. Икки ўғил қамқоқхонада, кенжатоий ўғил гиёҳванд. Келинлар ўртасида эса ҳовли-жой жанjali.

Бу гапларни эшитгач, оқсоқолдан воқеани бир бошдан сўзлаб беришни илтимос қилдим.

... Инсоннинг ошна-оғайниси, улфатлари кўп, лекин чин дўсти битта бўлар экан. Маҳмуджон билан бирга ўсиб-ўлғайдик, бир синфда ўқидик. Мактабни битиргач, мен олиғиоҳга кирдим, у эса онасига ёрдамлашувчи учун савдо корхонасига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Дўстим жуда меҳнатсевар, тиришқоқ эди. Бунини сезган раҳбарни аввал ўзига ёрдамчи қилиб олди, кейин омбор мудири вазифасига ўтказди. Дўстим мактабда яхши ўқиганди, раҳбарининг маслаҳати ва ёрдами билан савдо олиғиоҳини ҳам сирдан тамомлади. Орадан кўп ўтмай дўстим каттақон савдо корхонасига раҳбар этиб тайинланди. Бу орада уйланди, бирин-кетин уч ўғилли ҳам бўлди. Маҳмуджон ўзи ота меҳрини кўрмай ўсгани тўғрисида ўғилларини ҳаддан зиёд эрқалатиб, айтганини муҳайё қилиб

ўстирди. Хали эсини таниб улгурмаган ўғлига даста-даста пул бераётганига бир неча бор ғувох бўлдим. Бир гал ундан:

— Дўстим, бу пулларни китоб сотиб олиш учун беряпсизми? — деб сўрадим.

— Йўғ-е, ҳамма китобларни олиб берганман. Мактабда у-бу олиб эйди.

— Лекин бунча пул қорин тўйдирши учун кўплик қилмасмикан? Гапларимдан хафа бўлмаг. Болани ҳозирданоқ пулга ўргатиб қўйманг, дейман-да.

— Сизга ёшлигингизда отангиз пул берган-а? — дабдурустдан сўради дўстим.

— Ҳа, берган. Лекин дадам оз-оз, байрамларда берардилар.

— Менинг эса пул берадиган отам йўқ эди. Мен бор эканман фарзандларим ҳеч нарсага зориқмай, тўкин-сочинликда яшасин, дейман. Ахир, шуларни деб ишлаб юрибман-ку!

Ииллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Дўстим фарзандларини энг яхши олиғиоҳларда ўқитди, дангиллама ҳовли-жойлар қуриб берди. Лекин ҳаёт синовларга бой экан. Оғуфрушлар дўстимнинг кенжатоийни аллақачон ўз тузоқларига илтиришганди. Ота бунини жуда кеч билди. Фарзанд фожиясини кўтаролмаган она бевақт оламдан ўтди. Дўстим эса бир неча марта юрак хуружига учради, ишга яроқсиз бўлиб қолди. Унинг тadbир-корлик ишларини ноқобил фарзандларининг ҳеч бири давом эттира олмади.

Ёшлигимдан катта пулга ўрганиб ўсган икки ўғилнинг ҳалол меҳнат қилишига бўйни ёр бермади. Ўғирлик содир этиб, қамалиб кетишди. Кичик ўғил эса гиёҳвандлик балосидан қутилиш учун катъий режимида ишловчи шифохонада эди. Фарзандлари

орқасидан келган кўргуликлар Маҳмуджонни тўшаққа михлаб қўйди. Хар куни ундан хабар олардим. У ўғиллари тарбиясида катта хатога йўл қўйганини айтиб, ўқиб-ўқиб йиғларди. Маҳалладошлар бор бўлсин, уни ёлғизлатиб қўйишмади. Қазоси етиб, дўстим вафот этди. Дафн маросимида ҳеч бўлмаса фарзандларидан бири отасининг тобутини кўтарсин, бел боғлаб эшик олдида турсин деган ниятда қабиллик бериб, кичик ўғилни шифохонадан олиб келдик. Бошда у келган-кетганларни қутиб, қаторимизда турганди. Келди-кетди билан андармон бўлиб, кўздан қочирибмиз. Жаноза ҳам қилиб, уни қидиришга тушдик. Ўғилни оғилхонадан топдик. У кесақдек бўлиб ётар, ҳеч нарсани сезмасди. Хуллас, ота еру кўкка ишонмай ўстирган фарзандларининг бирортаси уни сўнги йўлга қузатолмади. Тўғрироғи, бунга ярамади. Маърака-маросимларни ҳам маҳалладошлар бир бўлиб ўтказишди. Энди қийналиб қолишганини рўқча қилиб, келинлар ҳовлини бўлишиши ва сотиш ниятида келишибди. Масала фойдаларига ҳал бўлмаса, судга муржаат қилишларини айтиб, пўписа ҳам қилишди...

Бу воқеа менга қаттиқ таъсир қилди. Кўнларнинг бирида тасодифан оқсоқолни учратиб қолдим. У дўстимнинг ўғиллари амнистия тўғрисида овоздликка чиқиб, ишга жойлашганини айтди. Келинлар ҳам инсофга келишибди. Маҳалла ҳоаллари уларнинг ота-оналари билан сўхбатлашибди, масалани ижобий ҳал этишибди. Келинлар хатоларини тан олиб, оқсоқолдан кечирим сўрашибди. Оқсоқол хурсанд эди. У энди дўстимнинг руҳи хотиржам бўлишини таъкидлар экан, кўзларига ёш олди...

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ, «Mahalla» мухбири.

## «Mahalla» мөҳмони

# БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИМИ МАҲАЛЛАДА ШАКЛЛАНГАН

— дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Дилором Омонуллаева

Дилором Омонуллаева ўзбек музыка санъатининг таниқли бастакорларидан. Унинг «Шарқ тароналари», «Онамсан, Тошкент!», «Тасанно» каби кўшиқлари санъат илос-маданиятнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Бугунги кунда бастакорнинг она-Ватан, муҳаббат ҳақида яратган юзлаб кўшиқлари хонадалар томонидан севиб қуйилмоқда. Дилором Омонуллаева Ўзбекистон консерваториясининг «Эстрада ижрочили» кафедрасида ишларга миллий музыка санъати сирларини ўргатиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвани, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Бастакор билан сўхбатимиз Ватан, она-юртга муҳаббат мавзусида бўлди.

Носирова, Мухтор Ашрафий, Маъмуржон Узоқов, Мутал Бурхонов, Дони Зокировлар тўпланишарди. Меҳмонлар алламаҳалгача кўшиқ, лапар, айтишувлар ижро этишарди. Кўни-кўшнлар деворларга чиқиб, томоша қилишарди. Мен ўша пайтда беш ёшли кизалоқ бўлиб, улар орасида пилдираб юрардим. Бир кун Тамарахоним давра қуриб ўтирганларга мени кўрсатиб, «Дилором ҳам яхши кўшиқ айтади, бир эшитиб кўринлар», деди. Ўшанда «Богимдаги гуллар» кўшигини болаларча иштиёқ билан айтиб берганман. Шунда бастакор Мутал Бурхонов қўлимдан маҳкам тутиб, «Энди «Капалак» кўшигини айтишни ўрган» деб, олқишлаганлар. Демокримани, маҳалла тўғрисидаги хотираларим бегубор, орзуларга тўлган болалигимни беэаб туради. Болалигим маҳалла тўғрисидаги хотираларим билан гўзал.

Орадан беш йил ўтиб, оиламиз билан Эски шаҳардаги «Чигатой» маҳалласига кўчиб ўтдик. Бу ерда ҳам ижодий учрашувлар кўп бўларди. Айниқса, ўзбек гижжак мактабининг асосчиси, тоғам Обиджон Холмухаммедов ижросидаги хар бир куй мени оҳанрабо-ди сеҳрлаб оларди. Бастакорликка ҳавас менга тоғамдан юққан, десам тўғри бўлади. Мусиқага қизиқилишимни пайкаган ота-онам мени Успенский номидаги мусиқа мактабига ўқишга беришди. Бу ерда мен ўзбек халқ куйларидан ташқари Бах, Шопен, Бетховен, Моцарт каби жаҳон мусиқа санъати асосчиларининг асарларини ўзлаштирдим. Ён кўшимиз, оиламизнинг ижодий ҳамкорларидан бўлган Чустий домла мени ўзбек мўтюз шеърини асослари, аруз ва бармоқ вазнининг фарқли жиҳатлари билан таништириб, санъат ҳақидаги тасаввуримни янада бойитди. Умуман, санъаткор бўлиб этишишимда оила ва маҳалла муҳитининг роли катта бўлган. Инсонга, айниқса, санъаткорга болалик хотиралари бир олам қувонч, завқ-шаўқ беради. Мен болалигимдан маҳаллани, маҳалладошларимни жуда соғинаман. Улар ҳам мени унутмаганини яхши биламан.

— Кўшиқларингизда она юрт нафаси уфуриб туради. Куй басталаш жараёнида кўпроқ Ватан мавзусига ургу беришингизнинг боиси нимада?



Каттабеков. Шогирдларим рўйхатини яна узок давом эттириш мумкин. Улар билан узлуксиз ижодий ҳамкорлик қилиб тураман. Устоз-шогирд ўртасида тўғилган меҳр хар икки томонни оҳанрабо каби ўзаро боғлаб турса, юқори натижаларга эришиш мумкин.

— Сизнингча, ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Албатта, соғлом муҳит барқарор бўлган маҳаллада тарбия топган ёшлардан ёмонлик чиқмайди. Ҳозир ёшларимиз учун катта имкониятлар яратилди. Баъзида ноталарни замонавий компьютерларга солиб, куй яратишга ҳаракат қилаётган интилувчан ёшларни кўриб, ҳавасим келади. Бирок масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бугуннинг ёшлари кўпроқ ўзларига ишониларди. Осон йўл билан машур бўлиб кетишни хошлашади. Ловуллаб ёнаётган олов бир пасда ўчиши мумкинлигини эътиборга олишмайди. Шу билан бирга, уларда меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби инсоний фазилатлар сустлашгандек, назаримда. Ёшларимизни маҳалла-қўйда ўтадиган турли тadbирларга янада кўпроқ жалб этиш керак, деб ўйлайман. Катта ёшли маҳалладошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамжихатликдан ёшлар ҳам ўрнак олишлари аниқ. Шунда хар бир ёш қалбда ўз оиласи, маҳалласи, Ватани раванкаи учун ҳисса қўшиш истаги кучаяди.

Бектош ИСМОИЛОВ сўхбатлашди.

## Эҳтиёткорлик шарт!

Тошкент шахри

# ОЛОВГА БЕПИСАНД БЎЛМАНГ!

Газ, электр токи ва электр энергияси ёрдамида ишловчи турли техника воситаларидан фойдаланиш хар биримизнинг кундалик эҳтиёжimizга айланган. Айниқса, куз-қиш мавсуми бошланиши билан кўпчилик турли иситиш мосламаларини фойдалана бошлайди.

Баъзи ҳолларда ушбу жиҳозлардан нотўғри фойдаланиш, носоз ускуналари вақтида таъмирлашмаслик, ёнғин хавфсизлигига риоя қилмаслик кўнглисиз ҳодисаларни келтириб чиқаради. Яъни, бундай бепарволик оқибатида инсон умрбўйи меҳнат қилиб топган мол-мулки, ўй-жойи, энг ачинарлиси, яқин кишиларидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида пойтахтимизнинг Миробод туманида ёнғин билан боғлиқ 68 та ҳолат қайд этилган. Ушбу ёнғинлар фуқароларга катта миқдорда моддий зарар етказибгина қолмай 5 нафар фуқаронинг ҳалок бўлишига, 4 нафар кишининг оғир тан жароҳати олишига сабаб бўлди.

Ёнғин келиб чиқиши билан боғлиқ ҳолатлар ўрганиб чиқилганда уларнинг аксарияти ёнғин хавфсизлигига риоя қилмаслик тўғрисида, асосан, турар-жой биноларида содир бўлаётганини маълум бўлди.

Жумладан, Миробод тумани Фарғона йўли 2-тор кўчасида жойлашган 23-хонадонда электр тармоғининг носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлиб, ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг тезкор чора-тadbирлари натижасида уйнинг том қисмига зарарланди.

Яна бир ёнғин ҳудди шу туманининг Одобли кўчасида иситикомат қилувчи фуқаро Б.Тянининг тамаки чекиб ўхлаб қолиши оқибатида келиб чиққан. Хонадон эгаси ана шу эҳтиётсизлиги билан ўз ҳаётига зомин бўлди.

Бу каби кўнглисиз воқеаларга кўплаб мисол келтириш мумкин. Бирок асосий эътибор аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш, айниқса, ёш болаларни уйда назоратсиз қолдирмасликка қаратилса, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бундай фожиялар бартараф этилган бўларди.

Р. БАРАТОВ, Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори, капитан.

Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, киш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортиши тўғрисида ўнғин содир бўлиш хавфи ҳам кескин ортади. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги 578-Ф-сонли фармойишига асосан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун республикамизда 10 ноябрдан 10 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тadbирни ўтказишдан кўзланган мақсад икитисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тadbирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган кўнглисиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб этишдир.

Азиз ватандошлар! Сизларни ушбу тadbирда фаол иштирок этишга, хусусан, ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилишга даъват этилди. Сиз ёнғин хавфсизлиги ойлигининг фаол иштирокчиси бўлишга қолмай, давлат ва ўз шахсий мулкингизни ёнғиндан асраган бўласиз, энг муҳими, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлайсиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.



## МУҲАЖЖИМАТ МАБУРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишни истасангиз, атрофингиздаги масалаларни ҳал этманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафта давомида сиз учун қутилмаган ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Ўзгаришларни тўғри баҳолаб олишингиз керак бўлиши.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Иш ва ташвишлар билан овора бўлиб яқинларингиз ҳақида унутиб қўймаслигингиз керак. Улар доимо сизнинг эътиборингизга муҳтождирлар.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Ушбу ҳафтада молиявий масалалар юзасидан бўлиб ўтиши лозим бўлган музокараларингизни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда юзага келадиган масалалар ечимида оила аъзоларингиз ва дўстларингиз маслахатига қулоқ тутганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳамкасблар билан муносабатда, фикр билдиришда эътиборлироқ бўлганингиз маъқул. Соғлигингиз назорат қилишни унутманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда атрофингиздагиларга шубҳа билан қарашингиз турли кўнгли-хираликларни келтириб чиқаришидан эҳтиёт бўлинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Анчадан бери ечимиз изланаётган муаммо ва масалаларингиз айни кунларда ўзининг тугал ечимига эга бўлиши қутилмоқда.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда эътиборли харидлар қилишингиз мумкин. Дам олиш кунларини дўстларингиз даъватига ўтказганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда зиддиятли муносабатларни яхшилаш имконияти тугилиши мумкин. Яқинларингизга эътиборлироқ бўлинг.

КОВФА (20.01-18.02)

Сафар ёки саёҳатга чиқиш кўнглига муаммоларингизни ҳал қилади. Айниқса, ундаги янги танишлар ҳаётингизни ўзгариши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Айни кунларда барча юмушларингизда фаолроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Шунданла режа ва мақсадларингиз амалга ошади.

Mahalla logo and address: МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамағатси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТОВРОВ. Телефонлар: 236-53-93, 236-55-69, 236-57-62. Факс: — 233-44-25

Тахрир хайъати: Анвар АХМЕДОВ, Акмал САЙДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Фаррух БҮТАЕВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2008 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи: 148. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент шахри Матбуотчилар кўчаси 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобук. Баҳоис келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Уктам Худойкулов. Мушаххис: Ҳамза Абдуллаев. Саҳифаловчи: Фаррух Расулов. Топширилди — 00.18